

## Савол: Рўзани очмайдиган, лекин макрух бўлган амаллар қайсилар?



09:10 / 21.05.2019 3347

### Жавоб:

1. Тупукни оғизда тўплаб, сўнг ютиб юбориш.
2. Гапираётган, зикр қилаётган, ўқиётган чоғда лаблари хўл бўл-са, ўша хўлликни ютиш.
3. Оғзидан оқаётган сўлакни қайтадан ютиб юбориш.
4. Оғизни чайгандан сўнг қолган намликни тупук билан бирга ютиб юбориш.

**5.** Шамоллаш туфайли оққан ва оғиз ё бурундан ташқарига чиққан балғамни нафас олиб, ичкарига тортиш (лекин ичкарига ютгандан ташқарига чиқариб юборган афзал).

**6.** Бирор нарсани татиб кўриш (ютиб юборса рўза очилади).

**7.** Бирон нарсани узрсиз чайнаш (ютиб юборса рўзаси очилади).

**8.** Оғиз-бурунни чайиш ва истинжо қилишда муболаға қилиш, яъни ошириб юбориш.

**9.** Сувнинг ичида турган ҳолда ел чиқариш.

**10.** Маний тўкилиб кетиш хавфи бўлмаса, қучоқлашиш, ўпиш ва ушлаш каби шаҳватни қўзғатадиган ишлар рўзани очмайди.

**11.** Эр-хотиннинг кийимсиз ҳолда баданларини бир-бирига теккизиши, лабини тишлаши, сўриши, ўпиши.

**12.** Заифлашишга олиб борадиган даражада қон олдириш.

**13.** Ғийбат ва шу каби амалларни қилиш рўзани очмайди.

**14.** Аёлга қараш ёки у ҳақда хаёл суриш оқибатида маний тўкилиши.

**Савол: Рўзадор ўзининг аёлини қучоқлаб, ўпганда жинсий аъзосидан бирор нарса чиқса, рўза бузиладими?**

**Жавоб:** Бу каби ҳолатларда жинсий аъзодан чиққан сув мазий дейилади ва бу билан рўза очилмайди. Агар шаҳват билан маний отилиб чиқса, рўза очилади. Рўза очилиб кетишидан қўрқиб туриб ўпиш, ушлаш, қучоқлаш, кийимсиз ҳолда бир-бирларига баданларини теккизиш макруҳдир. Рўза очилишининг хавфи бўлмаса, макруҳ эмас.

**«Мўминнинг қалқони» китобидан**